



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 6, НОМЕР 2

LOOK TO THE PAST
VOLUME 6, ISSUE 2



ТОШКЕНТ-2023

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайжон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети


Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


1. Севара Пулатова ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР (Ғарбий Европа ва АҚШ тарихшунослиги методлари асосида).....	4
2. Дилафруз Атамуратова ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ МОҲИЯТИ.....	10
3. Норпулат Аҳмеджанов ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДАГИ ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	16
4. С.И. Габриэлян XIX АСР ОХИРИ КОНСЕРВАТОРЛАР ДАВРИ ЭРОНИДА АНГЛИЯ СИЁСАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	21
5. Шахноза Касимова МУЗЕЙ КОММУНИКАЦИЯСИ БАДИИЙ ВА ЭСТЕТИК РИВОЖЛАНИШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСИ СИФАТИДА.....	31
6. Қобулжон Насритдинов СУВ ХЎЖАЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИ СИЁСАТИГА БЎЙИНСУНДИРИЛИШИ ТАРИХИДАН (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА).....	36
7. Эркин Раджапов ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ҲАРБИЙ СИЁСАТИ ВА “МУСУЛМОН ҲАРБИЙ ҚИСМЛАРИ”.....	44
8. Гавҳар Турсунова РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИГА АҲОЛИНИ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ ЖАРАЁНИДА МУСТАМЛАКА МАЪМУРИЯТИ ОЛИБ БОРГАН МАЪМУРИЙ-СИЁСИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ (XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИ).....	57
9. Nodira Shermatova ABU NASR FAROBİY FALSAFASIDA BILISH KATEGORIYALAR.....	70
10. Fotima Shirinova, Zumrat Kasimova MUSTAQILLIK YILLARIDA O'ZBEKISTONDA MA'NAVIY – MADANIY TARAQQIYOT.....	76
11. Бахтиёр Халмуратов ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК: ЭТНИК ВА ҲУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАР.....	82
12. Xurshid Egamqulov XALQ XIZMATIGA BANSHIDA UMR (Jizzax “Milliy ittihad” sho‘basi a’zosi Orifjon Olimjonov haqida).....	86



Қобулжон Махамаджонович Насритдинов,
Андижон давлат чет тиллари институти
“Ижтимоий гуманитар фанлар, педагогика ва психология”
кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди

**СУВ ХЎЖАЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИ
СИЁСАТИГА БЎЙИНСУНДИРИЛИШИ ТАРИХИДАН (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ
МИСОЛИДА)**

For citation: Kabuljon M.Nasritdinov, FROM THE HISTORY OF THE DEVELOPMENT OF WATER MANAGEMENT AND ITS SUBORDINATION TO THE POLICY OF COTTON MONOCULTURE (ON THE EXAMPLE OF THE FERGHANA VALLEY). Look to the past. 2023, vol. 6, issue 2, pp.36-43

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7680648>

АННОТАЦИЯ

Мақолада муаллиф, илмий-тарихий адабиётлар ва архив манбалари асосида табиий иқлими қуруқ бўлган Ўзбекистонда, жумладан Фарғона водийсида XX асрнинг биринчи ярмида сув хўжалигининг ривожланиши ва соҳани пахта яккаҳокимлиги сиёсатида бўйсундирилиши тарихини ёритиб берган. Тадқиқ этилган даврда совет ҳукумати Ўзбекистонда жумладан, иқлим шароити пахта етиштириш учун табиий қулай Фарғона водийсида қадимдан қарор топган хўжалик юритиш шакллари, суғорма деҳқончиликда қишлоқ хўжалигида мавжуд экинларни етиштириш борасидаги мувозанатни ҳамда деҳқончиликда қўлланилган деҳқончилик анъаналарини қўпол равишда бузгани ҳолда, ўзидаги бор молиявий ресурсларни, амалий хатти-ҳаракатларини “марказ” енгил саноати учун зарур бўлган пахта хом-ашёси билан таъминлашга йўналтирилганлиги ёритилган. Натижада, Ўзбекистонда унинг қишлоқ хўжалиги нисбатан ривожланган Фарғона водийсида янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга асосланган хўжалик юритиш шакллари қарор топиши баробарида аграр соҳада пахта яккаҳокимлиги шаклланганлиги ўрганилган.

Калит сўзлар: Фарғона водийси, ирригация, суғорма деҳқончилик, ғалла, суғориш, селекция, деҳқон хўжалиги, ширкат, колхоз, канал, жамоалаштириш, экстенсив таракқиёт йўли, пахта якка ҳокимлиги.

Қобулжон Махамаджонович Насритдинов,
Кандидат исторических наук, доцент
кафедры Социально-гуманитарных наук,
педагогике и психологии Андижанского государственного
института иностранных языков

ИЗ ИСТОРИИ РАЗВИТИЯ ВОДНОГО ХОЗЯЙСТВА И ЕЁ ПОДЧИНЕНИЕ ПОЛИТИКЕ МОНОКУЛЬТУРЫ ХЛОПКА (НА ПРИМЕРЕ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ)

АННОТАЦИЯ

Автор статьи на основе научно-исторической литературы и архивных источников анализирует развитие орошаемого земледелия в природной засушливом Узбекистане, показывает историческую картину основных тенденции развития и установление монокультуры хлопка первой половине XX века на примере Ферганской долины. В исследуемый период советская власть в Узбекистане, в том числе давно установившиеся формы хозяйственного ведения в Ферганской долине, где климат естественно благоприятен для возделывания хлопчатника, орошаемого земледелия, грубо нарушала баланс возделывания существующих культур в сельском хозяйстве, и сельскохозяйственные традиции, применяемые в сельском хозяйстве, использование имеющихся финансовых ресурсов, практическое поведение – подчеркивается, что действия направлены на обеспечение хлопковым сырьем, необходимым для «центра» легкой промышленности. В результате в Ферганской долине, где в Узбекистане относительно развито сельское хозяйство, было изучено, что в аграрном секторе формировались хлопковые монополии по мере установления форм хозяйствования, основанных на новых социально-экономических отношениях.

Ключевые слова: Ферганская долина, ирригация, орошаемое земледелие, пшеница, крестьянское хозяйство, артель, колхоз, канал, коллективизация, экстенсивный путь развитие, монокультура хлопка.

Kabuljon M.Nasritdinov,

Candidate of Historical Sciences, Associate Professor
Department of Social Sciences and Humanities,
Pedagogy and Psychology of Andijan State
institute of foreign languages

FROM THE HISTORY OF THE DEVELOPMENT OF WATER MANAGEMENT AND ITS SUBORDINATION TO THE POLICY OF COTTON MONOCULTURE (ON THE EXAMPLE OF THE FERGHANA VALLEY)

ABSTRACT

The author of the article, on the basis of scientific and historical literature and archival sources, analyzes the development of irrigated agriculture in natural arid Uzbekistan, shows a historical picture of the main trends in the development and establishment of cotton monoculture in the first half of the 20th century using the example of the Ferghana Valley. During the researched period, the Soviet government in Uzbekistan, including the long-established forms of economic management in the Fergana Valley, where the climate is naturally favorable for cotton cultivation, irrigated agriculture, grossly violated the balance of cultivation of existing crops in agriculture, and the agricultural traditions used in agriculture, using the available financial resources, practical behavior - it is highlighted that the actions are aimed at providing cotton raw materials necessary for the "center" light industry. As a result, in the Fergana Valley, where agriculture is relatively developed in Uzbekistan, it was studied that cotton monopolies were formed in the agrarian sector as the forms of economic management based on new socio-economic relations were established.

Index Terms: Ferghana Valley, irrigation, irrigated agriculture, wheat, peasant farming, artel, collective farm, canal, collectivization, extensive development, cotton monoculture.

1. Долзарблиги: Қадимдан суғорма деҳқончилик ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий омилларидан бири бўлган Ўрта Осиё хусусан, Ўзбекистон республикаси ҳудудида миришкор деҳқонлар табиат ва инсон ўртасидаги мувозанатга қатъий риоя қилганлари ҳолда суғорма деҳқончиликда интенсив шаклда хўжалик юритиб келганликлари, айниқса суғорилиб деҳқончилик қилинадиган экин майдонларидаги тупроқларни мелиоратив ҳолатни мунтазам

равишда яхшилаш борасида қадимдан амалий деҳқончиликда тўпланган маҳаллий агротехник усулларни қўллашда бой тажриба орттирган. Лекин, ушбу маҳаллий деҳқончилик анъаналари XX асрнинг биринчи ярмида сиёсий ҳокимиятни бошқарган совет ҳукумати томонидан “марказ” саноат корхоналарини тан-нархи арзон пахта хом-ашёсига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида қўпол равишда бузилиб пахта яккахокимлигини қарор топтиришга йўналтирилди. Шу маънода совет ҳукумати томонидан ушбу хронологик тарихий даврда суғорма деҳқончилик соҳасида амалга оширилган трансформацион жараёнларни мазмун-моҳиятини илмий тарихий адабиётлар ва архив манбалари асосида ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси: Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар жумладан, тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик, манбаларга танқидий ёндашув, тарихий жараёнларга давр нуқтаи назардан ҳолисона баҳо бериш тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда тадқиқ қилинган даврда Совет ҳокимияти томонидан суғорма деҳқончилик соҳасида амалга оширилган трансформацион жараёнларнинг мазмун-моҳиятини, натижалари таҳлил этилган.

3. Тадқиқотнинг натижалари: Туркистон АССР раҳбарларидан бири И.Е. Любимов совет ҳокимиятининг пахта сиёсатини қуйидагича ифодалаган эди. “Туркистон ёппасига пахта майдонига айлантирилиши лозим, бунинг учун ғалла экиладиган майдонлар ниҳоятда қискартирилиши зарур”[1; 212]

XX асрнинг 20-йиллари охирида совет ҳокимиятини олдида турган энг асосий вазифалардан бири мамлакат енгил саноатини чет эл пахтасига бўлган қарамлигини тугатиш, шу мақсадда, Ўзбекистон Республикасида ўзининг мустамлакачилик мавқеини мустаҳкамлаш унинг табиий бойликларини ўзлаштириш борасида, айниқса, пахтачилик соҳасидаги ишлар кўламини кенгайтириш эди.

Бу вазифаларни амалга оширишда совет ҳукумати, аввало, зўравонликка, турли хил сиёсий найранг ва алдовларга асосланиб иш кўрди. Ўз мақсадига эришишда у империя ҳукуматидан фарқли ўлароқ соҳа тараққиётига маблағни ҳам аямади, чунки пировард кўзланган мақсаднинг албатта, жуда катта сиёсий ва иқтисодий фойда бериши уларга аён эди.

Йигирманчи йилларни бошига келиб бутун Туркреспубликасида, жумладан, асосий пахта етиштирувчи минтақа ҳисобланган Фарғона водийсида маҳаллий “ғўза” Америка пахтасини қишлоқ хўжалигидан сиқиб чиқара бошлади, чунки “ғўза”га ишлов бериш осон бўлиб, Америка пахтасига нисбатан кам меҳнат талаб этарди. У маҳаллий хунармандларнинг талабига мос келар ва ундан маҳаллий шароитда тола олиш осон бўлиб, бу борада маҳаллий хунармандлар асрий тажрибага эга бўлишган.

Маҳаллий хунармандларни асосий рақиб эса Россия енгил саноати бўлиб, у бу даврда иқтисодий инқирозни бошдан кечирмоқда эди. Бу даврда бўлиб ўтган сиёсий, иқтисодий тангликлар туфайли ўлкада олиб кетиладиган Америка пахтасининг ҳажми кескин камайди, чунки қизил империянинг аксарият ҳамма худудларида қурғоқчилик, ҳарбий ҳаракатлар бўлаётганлиги туфайли экин майдонлари кескин қисқариб кетди. Ўз навбатида ўлка деҳқонлар ҳам ўз эҳтиёжлари учун пахта ва донли экинларни экиш билан кифояланардилар.

Шунинг учун ҳам Туркистон Республикаси пахта кўмитасининг галдаги асосий вазифаси ўлка деҳқонларини яна енгил саноат учун зарур бўлган Америка пахтасини етиштиришга ўтказиш эди. Бу даврда ўлкада оз миқдорда бўлса ҳам, енгил саноат корхоналари талабларига мос келувчи қисқа толали “Кинг”, “Навроцкий”, “169”, “182” каби навлар ҳам экилган.

Янги иқтисодий сиёсат пахтачилик сиёсатига ҳам муайян ўзгаришлар киритди. Лекин бу ўзгаришлар чекланган тарзда бўлиб, янги сиёсатнинг тўлиқ моҳиятини намоён қилишдаги асосий тўсиқ 1921 йил 12 сентябрда ташкил этилган РСФСР Халқ Хўжалиги Олий Кенгаши ҳузуридаги Пахта бош кўмитаси бўлди[2; 7-15].

Тадқиқ этилаётган даврда саноатбоп пахта навларини ўлка деҳқон хўжаликлари етиштиришни кўпайтириш мақсадида деҳқонлар ўртасида амалга оширилган тарғибот ва ташвиқот тадбирларидан ташқари, Туркреспубликаси ҳукумати буйруғи ва Ер ишлари

комиссарлиги кўрсатмасига асосан, республикада фаолият кўрсатаётган 40 та ижара марказлари томонидан, пахта етиштирувчи деҳқон хўжаликларига пахта майдонларда барча агротехник тадбирларни амалга оширишлари учун зарур бўлган меҳнат воситаларини 1921-1922 йилларда текинга ижарага бериш йўлга қўйилди[3; 233].

Ушбу амалиёт 1923 хўжалик йилидан бошлаб, деҳқон хўжаликлардан энг кам миқдорда ижара тўловлари эвазига амалга оширилди. Ҳатто деҳқон хўжаликлари пахта бош қўмитаси фондларидаги мавжуд саноатбоп пахта чигитлари уруғлик сифатида тарқатилди[3; 234].

Олий Халқ хўжалиги Кенгаши Туркистон Республикаси пахта қўмитасига ўз диққат - эътиборини келгуси хўжалик йилнинг экин мавсуми учун Америкадан “Кинг”, “Триумф”, “Россель” пахта навлари уруғларидан 15-20 минг пуд олиб келишга қаратиш лозимлиги тўғрисида кўрсатма берди. Бундан ташқари агроном Навроцкий томонидан “Россель” пахта навини маҳаллий навлари билан частиштириш йўли билан яратган “Рус” навли пахтасини Туркистон ўлкасида сақланиб қолган қолдиқларини қидириб топиш ва уни қайта тиклаш ишлари режалаштирилди[4; 81-85].

Республикада пахтачилик соҳасида уруғчиликни яхшилаш мақсадида 1924 йили “Пахта уруғчилик” трести ташкил этилди. Натижада, селекционер олимлар бу даврда “1306”, “2005”, “2017” каби пахта навларини етиштириш бўйича селекция ишларини олиб бордилар[5; 141].

СССР Меҳнат ва Мудофаа Кенгаши Ўрта Осиё Коммерция банки[6; 344-345] таъсис этилди. Ушбу банк фаолияти асосан, республика субъектларида пахта тайёрлашни кредит билан таъминлаш, уларга марказнинг фабрика ва заводларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни келтириб бериш ва ички товар айрибошлашни амалга оширишдан иборат бўлган[7; 25-27].

Ушбу тижорат банкининг кредит операциялари қишлоқ хўжалигини, айниқса унинг етакчи тармоғи ҳисобланган пахтачиликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, банк томонидан берилган 13,5 миллион рубл ссудадан 55 фоизи хомашё тайёрлашга, 17 фоизи эса бевосита пахта тайёрлашга йўналтирилди[8; 271].

Фарғона вилояти Марғилон уездида 1923-1924 йилларда 81 та қишлоқ хўжалик ширкатлари фаолият олиб борган бўлиб, хўжалик йили мобайнида ширкатлар деҳқонларга қишлоқ хўжалик анжомлари, озиқ-овқат ва бошқа товарлар етказиб бердилар. Жумладан, пахта етиштирувчи деҳқон хўжаликларига 40 бош ишчи ҳайвон, 1036 бош от, 3000 бош қўй, 45 вагон ун, 30 вагон буғдой, 500 дона қишлоқ хўжалик анжомлари, 1000 пуд совун, 10 вагон пахта ёғи, 2000 пуд шакар, 4 вагон ҳар хил товарлар, 5000 кути ипак қурти уруғи тарқатилган[9; 58].

Қишлоқ хўжалиги тиклана ва ривожлана боргани сайин қишлоқ хўжалик ширкатлари ва улар бирлаштирган хўжаликлар сони ҳам ортиб бориб, 1929 йил 15 майга қадар “Узсельсоюз” таркибида 10 та район уюшмаси бор эди[8; 286].

Қишлоқ хўжалик кредит кооперацияси асосан пахта экишни ташкил қилишда пахтакорларга хизмат қилган. Жумладан, Андижон район қишлоқ хўжалик кооперацияси союзига қарашли 115 та ширкатнинг барчаси пахта иши билан шуғулланган. Ширкат пахта комитети билан ширкат аъзоси-деҳқон ўртасида воситачи бўлган. Ширкат пахта экувчилар рўйхатини тузган, айрим пахта экувчилар билан пахта комитети тузган шартноманинг бажарилиши кафиллигини олган, пахта ҳосилини йиғиштириш учун зарур бўлган қопларни тарқатган ва қайтариб олган, пахтакорларни ўз вақтида пахтани йиғиб-териш топширишга мажбур қилиш ва деҳқонларга ҳосил учун берилган аванс пулларни қайтарилишини назорат қилиш, қарзини ундириш ва бошқа шу каби ишларни олиб борган[8; 286].

Давлат томонидан яратиб берилган қулай шароит туфайли Ўзбекистонда тез суръатлар билан пахта майдонлари кенгайиб борди. Жумладан, 1924-1926 йилларда республикада пахта экиладиган майдонлар 275 минг десятинадан 372 минг десятинага кўпайди[10;157]. Пахта экин майдонларининг кенгайиши натижасида пахта ялпи ҳосили ҳам ортди. Жумладан, Туркистондан марказий Россия енгил саноати учун 1924-1925 хўжалик йилида 6902 та пахта юкланган эшелон, 390471 та той пахта, 65192867 килограмм пахта толаси юборилган бўлса, ушбу пахта толасининг 58 фоиздан кўпроғи Фарғона вилояти ҳиссасига тўғри келган[11;141].

Шу зикр этилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда собиқ иттифоқнинг марказий ҳукумати кўрсатмасига асосан 1927 йил 16-24 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон коммунистлари фирқасининг учинчи қурултойида суғорма деҳқончилик масаласи муҳокама этилиб: а) урушдан илгари мавжуд бўлган суғориладиган майдонларнинг ҳаммасини ишга солиш; б) мавжуд ирригация тармоқларини ҳар тарафлама қайта таъмирлаш қилиш; в) сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш каби вазифалар белгиланиб, қарор қабул қилинди[12; 358].

Белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда суғорма деҳқончилик соҳасида 1927-1928 йилларда Фарғона водийсида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Подшоота, Косонсой ва Янгиариқ системаларида бузилган канал ва ариқлар ўзани ҳашар йўли билан тозаланиб, тузатилиб, қайта тикланди.

Пахтачилик соҳаси 1926 йилдан бошлаб илмий асосга кўчирила бошланди. Жумладан, ўзани қаторлаб экиш ва суғоришни эгатлар орқали ўтказиш каби янги агротехник тадбирлар амалга оширила бошланди. Бу усуллар ўза парваришини механизациялаштириш, ерни сўқа[13] билан палахса ағдариб тўғри ҳайдаш, ўза қатор ораларини култивация қилиш имконини яратди. Маҳаллий ўза навлари ўрнига биринчи бор маҳаллий селекцион навларни экиш, қишлоқ хўжалиги зараркундаларига қарши курашда химиявий воситалар қўлланила бошланди[14; 8].

Республикада жумладан, Фарғона водийси пахта етиштирувчи деҳқон хўжаликларида 1928-1933 йилларда узун толали пахта навларини етиштиришга бўлган эҳтиёж ортди. Чунки, бу даврда пахтачилик соҳасида деҳқонлар ўз хўжаликларида турли пахта навларини экиши натижасида пахта уруғлари аралашиб кетишига олиб келди.

Жумладан, деҳқон хўжаликларида 1925 хўжалик йилида асосан, 7 та пахта навларининг уруғлари экилган бўлса, 1933 йилга келиб табиий шароити деярли бир ҳил бўлган республика деҳқон хўжаликларида 73 та пахта навларининг уруғлари экилган[15; 15]. Бундан ташқари, 1928-1933 йилларда сифатсизлиги, ҳосилдорлиги паст бўлган 64 та пахта нави экишдан олиб ташланган бўлса, ушбу пахта навларидан 31таси сўнги йилларда селекционер олимлар томонидан ихтиро қилинган пахта навлари эди. Шунинг учун ҳам 1930-1934 йилларда пахта ҳосилининг сифати 1928-1929 йиллардагига нисбатан анча паст бўлди[15; 68].

1929 йил 18 июлда ВКП(б) МҚ қабул қилган “Бош пахтачилик кўмитасининг иши тўғрисида”ги қароридан[16;115-118] очикдан-очик бундай дейилган эди: “Марказий Кўмита пахта етиштириш учун яроқли бўлган ерлардан шоли, оқ жўхори, қанд лавлаги ва бошқа экинлар етиштириш учун фойдаланишга мутлақо йўл қўйиш мумкин эмас, деб ҳисоблайди”.

Бунинг учун эса қарорда “пахтадан бошқа экинларни сиқиб чиқариш”нинг иқтисодий усулларида, жумладан, пахтакорларга солиқ имтиёзларини бериш, биринчи галда “чигит экилган майдонларни сув билан таъминлаш, пахтакорларга бутун йил мобайнида ғалла, саноат маҳсулотлари ва чорва моллари учун ем-хашак етказиб бериш” тавсия этилган[17; 262].

Тадқиқ этилаётган даврда республикада пахтачилик селекцияси бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш мақсадида 1929 йил июль ойида Тошкент шаҳрида Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-текшириш институти ташкил этилди. Институт қошида республиканинг 12 та деҳқончилик зоналарида тажриба станциялари ва 61 та таянч пунктлари шакллантирилиб, биргина 1931 йилда институтга давлат бюджетидан 14 миллион сўм маблағ ажратилди. Ҳукумат қарорига асосан, тупрокшунослик ва геоботаника институтлари ҳам ушбу илмий муассаса таркибига киритилган ва селекция соҳасида ишлар йўлга қўйилган эди[5; 143].

Бу амалга оширилган чора-тадбирлар натижаси ўлароқ, Ўзбекистонда 1929-1932 йиллар мобайнида пахта майдонлари 530 минг гектардан 928 минг гектарга етди, пахта етиштириш эса 520 минг тоннадан 750 минг тоннага кўтарилди. Ўзбекистон 1932 йилдаёқ собиқ Совет Иттифоқида етиштирилаётган пахта толасининг 60 процентини етказиб бера бошлади.. Республика пахтачилигида социалистик секторнинг салмоғи 1932 йилда 86 процентга етди[18; 34].

Лекин, пахтачилик селекцияси соҳасида юқорида зикр этилган хато ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида 1934 йилда республикада амалда бўлган барча пахта навлари

текширувдан ўтказилди. Совет ҳукумати томонидан пахтачилик селекцияси борасидаги чет эл тажрибасини ўрганиш мақсадида Ленинград шаҳрида “Бутуниттифок ўсимликшунослик институти” ташкил этилди.

Тадқиқ этилаётган даврда хорижий давлатлар хусусан, 1930 йилда Мисрдан “сакель”, “ашмуни”, “зағара”, “пиллион”, “мелябесса”, “нахд”, “фуад” каби ингичка толали пахта навларидан, 1936-1937 йилларда эса, “пима” ва “маарад” каби пахта навларидан намуналар олиб келиниб иқлимлаштириш, улар асосида янги пахта навларини яратиш борасида селекция ишлари йўлга қўйилди. Ушбу олиб келинган пахта навларининг ҳосилдорлиги юқори бўлса-да, сифати паст ва кечпишар пахта навлари эди.

Селекция соҳасида олиб борилган илмий тадқиқот ишлар натижаси ўлароқ, қисқа муддатларда ушбу навлар асосида маҳаллий иқлим шароитига мос, толаси узун, сифатли, нисбатан тезпишар “182”, “169”, “Наврицкий”, “Триумф Наврицкий” каби серҳосил янги пахта навлари яратилиб, 1933-1937 йилларда пахта сифати жиҳатидан ҳам чет элга қарамликдан холос бўлинди [15; 69].

Ушбу пахта навларини яратишда ва тажрибадан ўтказишда Н.И. Вавилов, С.М. Букосова, П.М. Жуковский, Г.С. Зайцев, Ф.М. Мауер, Н.Н. Константинов каби машҳур олимлар катта ҳисса қўшдилар [5; 142].

Ўзбекистон республикасида қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш 1937 йилда тугалланди [18; 34]. Шу йили колхозларга деҳқон хўжалиқларининг 95 фоизи бирлаштирилиб колхозларнинг экин майдонларидаги ҳиссаси 99,4 фоизга тўғри келди [14; 8].

4. Хулосалар: Тадқиқ этилган даврда совет ҳукумати Ўзбекистонда жумладан, иқлим шароити пахта етиштириш учун табиий қулай Фарғона водийсида қадимдан қарор топган хўжалик юритиш шакллари, суғорма деҳқончиликда қишлоқ хўжалигида мавжуд экинларни етиштириш борасидаги мувозанатни ҳамда деҳқончиликда қўлланилган деҳқончилик анъаналарини қўпол равишда бузгани ҳолда, ўзидаги бор молиявий ресурсларни, амалий хатти-ҳаракатларини “марказ” енгил саноати учун зарур бўлган пахта хом-ашёси билан таъминлашга йўналтирди. Натижада, Ўзбекистонда унинг қишлоқ хўжалиги нисбатан ривожланган Фарғона водийсида янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга асосланган хўжалик юритиш шакллари қарор топиши баробарида аграр соҳада пахта яққаҳоқимлиги шаклланди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Миллий архиви, 17-жамғарма, 1-рўйхат, 45-иш, 212-варақ. (Nasional archive of Uzbekistan. Fund-17, inventory-1, file-45, sheet. 212.)
2. Главхлопком-Пахта бош қўмитаси 1921-1929 йилларда Москва шаҳрида ташкил этилиб, фаолият юритган, 1929 йил 18 июлдаги РКП(б) МКнинг қарори билан СССР Ер ишлари халқ комиссарлиги таркибига ўтказилиб, Тошкент шаҳрига кўчирилган. 1931 йил март ойида Бош қўмита ва унинг филиаллари қайта ташкил этилиб, улар республикалар пахтачилик бирлашмаларига айлантирилди. Батафсил қаранг: Ўзбекистон Миллий архиви, 473-Жамғарма, 1-Рўйхат, 3385-Иш, 7-15-Варақлар. (Glavkhlopkom was established in the city of Moscow and operated from 1921 to 1929. By decision of the Central Committee of the RCP (b), Glavkhlopkom was transferred to the People's Commissariat of Agriculture of the USSR in the city of Tashkent. Since March 1931, branches were formed that were reorganized as cotton associations. Nasional archive of Uzbekistan. Fund-473, inventory-1, file-3385, sheet. 7-15.)
3. Справка наркомата земледелия ТуркАССР в СНК ТуркАССР о восстановлении хлопковых посевов, улучшении качества хлопковых семян и выведении новых сортов хлопчатника. 24 декабря 1923 года. В кн; Деятельность коммунистической партии и советского правительства по восстановлению и развитию хлопководства в Туркестане (1917-1924 гг.). Документы и материалы.-Ташкент: Узбекистан.1983.-С.233. (Certificate from the People's Commissariat of Agriculture of the Turk ASSR to the Council of People's

- Commissars of the Turk ASSR on the restoration of cotton crops, improving the quality of cotton seeds and breeding new varieties of cotton. December 24, 1923. In book; Activities of the Communist Party and the Soviet government to restore and develop cotton growing in Turkestan (1917-1924). Documents and materials. - Tashkent: Uzbekistan. 1983. - P. 233.)
4. Севастьянов И. Развитие и падение хлопководства в Туркестане // Деятельность КП и Сов. правительства по восстановлению и развитию хлопководства в Туркестане (1917-1924 гг.).-Ташкент: 1986.-С.81-85. (Sevastyanov I. Development and decline of cotton growing in Turkestan // Activities of the KP and Sov. government for the restoration and development of cotton growing in Turkestan (1917-1924).-Tashkent: 1986.-P.81-85.)
 5. Раззаков А. А. Ўзбекистон мелиорацияси: Ўтмиш, бугун, келажак. -Тошкент.: Фан, 1988. -Б.141. (Razzakov A.A. Melioration of Uzbekistan: past, today, future. - Tashkent: Fan. -p.141)
 6. Бу банк Средазкомбанк номи билан юритилиб, айрим хужжатларда Осиё банки деб ҳам қайд этилган. Батафсил қаранг: Вся Средняя Азия. Справочная книга на 1926 хозяйственный год.-Ташкент: 1926,-С.344-345.(Officially, the bank called itself Sredazkombank. In some documents, the bank is registered with the Asian Bank. All Central Asia. Reference book for the 1926 business year.-Tashkent: 1926,-p.344-345)
 7. Ўзбекистон Миллий Архиви. 336-жамғарма, 1-рўйхат, 1440-иш, 25-27-варақлар. (Nasional archive of Uzbekistan. Fund-336, inventory-1, file-1440, sheet. 25-27.)
 8. Ўзбекистон тарихи. Биринчи китоб (1917-1939 йй.). -Тошкент: О'zbekiston, 2019.-Б.271. (History of Uzbekistan The first book (1917-1939).-Tashkent Uzbekistan 2019-P.271.)
 9. Алимов И.А. Узбекское дехканство на пути к социализму (социально-экономические преобразования в узбекском кишлаке в 1921-1925 гг.).-Ташкент: Узбекистан, 1974. -С.58. (Alimov I.A. Uzbek dekhkanism on the way to socialism (socio-economic transformations in the Uzbek village in 1921-1925). - Tashkent: Uzbekistan, 1974. - P. 58.)
 10. История народного хозяйства Узбекистана.-Ташкент: 1962,-С.157.(History of the national economy of Uzbekistan. - Tashkent: 1962, - S.157.)
 11. Ўзбекистон Миллий Архиви. 473-жамғарма, 1-рўйхат, 107-иш, 141-варақ. (Nasional archive of Uzbekistan. Fund-473, inventory-1, file-107, sheet. 141.)
 12. Ўзбекистон КП съездларининг резолюция ва қарорлари. Т 1. -Тошкент: 1987. -Б. 358. (The Communist Party of Uzbekistan in resolutions and decisions of congresses. Т 1.-Tashkent: 1987.-S. 358.)
 13. Сўқа-плуг. Сўқа воситасида ҳайдалган ер тупроғи ағдарилганлиги учун, тупрокда намликнинг сақланиш фоизи анча паст бўлади.Омоч билан ер хайдалганда тупрок ағдарилмайди. Шунинг учун омоч билан хайдалган тупрокда намликнинг сақланиш даражаси юқори бўлади. (Sўқа-plow. In dismantled soil, due to the overturning of the soil, the moisture coefficient will be very low. In cultivated soil with omach, the percentage of soil moisture will be much higher.)
 14. Саидов Ж., Баръетас П. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожланиши.-Тошкент: Ўзб. КП МКнинг бирлашган нашриёти, 1968.-Б.8. (Saidov Zh., Varietas P. The development of cotton growing in Uzbekistan during the years of Soviet power. The joint publishing house of the Central Committee of the Communist Party of Uzbekistan.-Tashkent:-1968.-P.8.)
 15. Советский хлопок. Статистический справочник.-Ленинград: 1937, -С.15-68. (Soviet cotton. Statistical reference book. -Leningrad: 1937, - S.15-68.)
 16. Деятельность КП и Советского правительства по развитию хлопководства в Узбекистане (Документы и материалы. -Ташкент.: Узбекистан, 1990. -С.115-118. (The activities of the Communist Party and the Soviet government for the development of cotton growing in Uzbekistan (Documents and materials. -Tashkent.: Uzbekistan, 1990. -S.115-118)
 17. Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари (1865-1990 йиллар). Лойиҳа раҳбари, масъул муҳаррир: Д.А.Алимова.-Тошкент: Шарқ., 2000.-Б.262. (The policy of plundering the national wealth of Uzbekistan by

- the ruling regime: historical evidence and lessons (1865-1990). Project leader, responsible editor: D.A.Alimova.-Tashkent: Sharq, 2000.-p.262.)
18. Алимов И. В.И.Ленин ва қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш.-Тошкент: Фан,1986.-Б.34. (Alimov I. V.I.Lenin and the socialist transformations of agriculture. Tashkent: Fan, 1986.-p.34)

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 2

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 2

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000